



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 5 июнь, № 108 (6038)

Пайшанба



«O‘ZBEKISTONDA OZIQ-OVQAT DASTURINI AMALGA OSHIRISHNING MUHIM XALQARO KONFERENSIYASI»

Сўнги пайтларда Ўзбекистон, том маънода, халқаро илмий анжуманлар, конференция ва учрашувлар ўлкасига айланмоқда. Уларда иштирок этган халқаро доирадаги нуфузли компаниялар раҳбарлари, олимлар, эксперт ва мутахассислар нафақат буюк аждодларимиз донолигига тан бераёпти, балки бугунги кунда уларнинг давомчиси сифатида юртдошларимиз томонидан амалга оширилаётган ишларни юксак баҳолаб, тажрибамиздан ўрнак олишга интилишмоқда.

Жорий йилнинг 5-6 июнь кунлари Тошкентда ўтказиладиган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференция ҳам шундай йирик тадбирлардан биридир.

Озиқ-овқат дастури:

Изчил ривожланиш ва фаровон ҳаёт асоси

Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, аграр секторини ривожлантириш мақсадида аниқ ва узоқни кўзилаб ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا биноан, пахта экин майдони қарийб 100 минг гектарга қисқартирилди. Ўз навбатида, бўшаган ерларга сабзавот, полиз, картошка ва озуқа экинларининг жойлаштирилиши, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози авж паллага чиқ-

қан бир шароитда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигини камайтириб, уларнинг нархлари ошиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, жумладан, 2013 йилда мамлакатимизда бошоқли дон маҳсулотлари етиштириш ҳамми истиқлолнинг дастлабки йилларидагига нисбатан қарийб 8 баробар, сабзавот — 2,5, картошка — 6,4, мева — 4,4 баробарга ошган бўлса, қорамоллар бош сони 4,6, қўй-эчкилар сони эса 3,5 карра кўпайтирилди.

Буларнинг бари Ўзбекистон эндиликда ички озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан ташқари, ўз маҳсулотлари билан

бошқа давлатлар бозорига ҳам кириб бораётганидан далolat беради.

Фермер — иқтисодий юксалишнинг этакчи кучи

Дарҳақиқат, Президентимиз Исроом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва амалда ўзининг тўлиқ исботини тошган бозор иқтисодиётига ўтишининг беш тамойили мамлакат аграр сектори ривожланишида ҳам туб бурилишлар ясади. Бунда, хусусан, фермерлар фаолиятини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

(Давоми 2-бетда).

Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

Ханс ХУВЕН, «IG-Projects B.V.» қишлоқ ҳўжалиги компанияси директори (Нидерландия): — Ўзбекистонга илк бор келишим. Лекин унинг бетакорр табиати, халқининг меҳмондўстлиги, самимиети мени мафтун этди. Тошкентдаги диққатга сазовор жойларни мириқиб томоша қилдим. Парвоз пайтидаги чарқоқларим тезда тарқаб кетди. Ўзбек миллий ошонаси таомларидан татиб кўрдим-у, таъми тилимда қолди. Серкўёш юртингизда етиштирилаётган гилосу узумлар, полиз экинларининг ширинлиги, табиийлиги, экологик жиҳатдан тозаллиги, витаминларга бойлиги ҳақида эшитган эдим. Диёрингизда меҳмон бўлгач, ана шу эътироф бежиз эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Буларнинг барчаси мамлакатингизда аграр соҳани раванқ топтиришга қаратилган катта эътибор, яратилган шарт-шароитлар, фермерлик ва тадбиркорлик ҳаракатлари учун янги

уфқлар очиб берилгани шарофатидир. Зеро, қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари тараққийига бундай ёндашув молиявий-иқтисодий инқироз асоратлари ҳамон сезилаётган, турли иқлим ўзгаришлари кузатилаётган ҳозирги даврда ниҳоятда долзарбдир. Компаниямиз иссиқхона технологиялари ва лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш билан шуғулланади. Мазкур йирик конференция давомида шу йўналишда мамлакатнинг ишбилармонлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда мустақамлашдан манфаатдоримиз.

Михайл Ион СУВАК, Молдова қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати вазирлигининг бошқарма бошлиғи: — Бугун дунё ҳамжамияти Ўзбекистонни ҳар қандай шароитда ҳам барқарор ривож топаётган, халқ турмуш фаровонлиги изчил ошиб бораётган давлат сифатида яши билади.

(Давоми 2-бетда).

Атроф-муҳит муҳофазаси ва қонунчилик

Она табиятга одилона муносабатда бўлиш, флора ва фауна оламини асраб-авайлаш, келажак авлодга табият бойликлари бус-бутун етказиш, глобал экологик инқирозга йўл қўймаслик — инсоният олдидаги долзарб вазифалардан бири.

САНА

1972 йили 5 июнда Стокгольм шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг экологик масалаларга бағишланган конференциясида Жаҳон атроф-муҳити муҳофазасига қилиш кунини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Шундан буён ҳар йили дунёнинг қатор давлатларида 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳити муҳофазаси қилиш кунининг нишонланади ва бу сана муносабати билан турли тадбирлар, кўрик-танловлар, боғ

яратиш, ободонлаштириш акцияларини ўтказиш яхши анъаналарга айланади. Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бетакорр табиатимиз ва ундаги биохимик хилликни асрашда, бу борадаги экологик қонунчиликни ривожлантиришда Конституциямиз муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

(Давоми 2-бетда).

Маҳалла маслаҳатчилари танлови

иштирокчилари адолат тамойиллари асосида баҳоланмоқда

Бугун юртимизда амалга оширилаётган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ислохотлар жараёнида халқимизнинг бой тарихий тажрибаларини, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни ўзида мужассам этган ноёб бошқарув тизими — маҳалланинг иштироки тобора ортиб бормоқда.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Унинг ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш, оилаларни мустақамлаш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдаги ўрни, айниқса, беқиёсдир. Фуқаролар йиғинлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг «Мустақам оила», «Соғлом она — соғлом бола» тамойиллари мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, маҳалла нуфузини янада кўтариш, фаолият йўналишларига оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасидаги интилишлари мисолида буни яққол кўриш мумкин. Маҳалла нуфузини янада ошириш, фуқаролар йиғинларида амалга ошири-

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

Нидерландиядаги «Hermitage Amsterdam» кўргазмалар марказида «Буюк Ипак йўли бўйлаб экспедиция» кўргазмаси очилиши муносабати билан асрлар давомида Шарқ ва Гарбни боғлаб келган Буюк Ипак йўли мавзусига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

«Буюк Ипак йўли бўйлаб экспедиция»

Жорий йилнинг 1 сентябрига қадар давом этадиган мазкур кўргазма пештахталаридан XIX-XX асрлардаги археология экспедициялари чоғида топиладиган осориюқалар жой олган. Девор ёзувлари, хайкалтарошлик намуналари, ипак матолар, қумуш, олтин ва сополдан ياسалган турли буюмлар ана шулар жумласидандир.

Лейден университети ва «Hermitage Amsterdam» кўргазмалар маркази томонидан ташкил этилган мазкур конференция Европадаги таниқли олимларни, Нидерландиянинг академик, жамоатчилик ва илмий доиралари вакиллари ўз атрафига жамлади.

Тадбирни очар экан, «Hermitage Amsterdam» кўргазмалар маркази директори К. Браурс Европа ва Осиё халқлари ўртасида дўстлик ҳамда бир-бирини ўзаро тўғри тушуниш муносабатларининг ривож топишида Буюк Ипак йўлининг тарихий аҳамияти ҳамда ушбу савдо артериясининг фаолият кўрсатишида бугунги Ўзбекистон жуда катта ўрин тутгани ҳақида атрафлича тўхталди.

— Буюк Ипак йўлидаги маданиятлар муштараклиги мисолида бир ярим минг йил давомидаги маданиятлараро коммуникация жараёнларини кузатиш мумкин, — деди у. — Қадим Буюк Ипак йўлида гоёлар ва товарлар алмашувининг қўлами гоё улкан бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг Нидерландиядаги дипломатия ваколатхонаси раҳбари конференция иштирокчиларини ўзбек халқининг кўп асрлар давомида шакллانган бебаҳо илмий, маънавий ва маданий мероси билан таништирар экан, мамлакатимиз раҳбарияти республиканинг замонавий илмий салоҳиятини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 4-бетда).

Кооперация алоқаларининг мустақам пойдевори

Пойтахтимиздаги «Ko'rgazmasavdo» кўргазмалар мажмуида Тошкент шаҳар ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси иш бошлади.

ЯРМАРКА

У VIII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ташкил этилди.

Президентимиз ташаббуси билан асос солинган мазкур саноат форуми узоқ муддатли ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни янада кучайтириш, хорижлик ҳамкорлар топиш орқали ҳудудларда саноатни ривожлантириш, ушбу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенгроқ жалб этишга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Бу йил Урганч шаҳридаги матбаачиликка иxtисослаштирилган

«Кўвончбек-Машхура» масъулияти чекланган жамияти жамоаси учун омадлик келди.

Илғор матбаа ускунаси

Корхонага «Ўзбеклизинг интернейшнл» компанияси томонидан лизинг асосида янги «NBS STAR 16 web offset» чоп этиш ускунаси ўрнатилди. Натيجида Хоразм вилояти ҳамда Қорақалғистон Республикасида нашр этилаётган 45 дан ортик газета ва журналлар рангли кўринишида босиладиган бўлди.

Бу ускунанинг афзал томони шундаки, у соатига 16 минг нусхадаги газетани 5 хил рангда чоп этиш қувватига эга. Бундан ташқари, замонавий технология ёрдамида китоблар, бланкалар, ёрликлар, афишалар ва бошқа рангли матбаа маҳсулотлари тез, арзон ҳамда сифатли қилиб тайёрланапти.

Яна бир эътиборли жиҳати, яқинда Нукус шаҳрида қорхонанинг филиали ҳам фаолият бошлади. Ҳозир 20 нафардан ортик ишчи-ҳодимлар меҳнат қилаётган ушбу жамоа сафига ҳадемай яна 10 нафар ишчи-мутахассис қўшилади.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кўчалар янада обод бўлади

Пойтахт вилояти кўчаларини ободонлаштиришда янги имкониятлар пайдо бўлди. Гап шундаки, «Тошкентавтйўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти тизимидаги корхоналарга бундан сал аввалроқ 37 та қудратли ва замонавий йўлсозлик техникаси келтирилди.

Бундан ташқари, мазкур ташкилот 18,1 миллиард сўмлик сармоя ҳисобидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган яна бир туркум маҳсул техника воситаларига ҳам эга бўлди. Уларнинг 13 таси «ISUZU» русумли сув пуркаш транспорти, шунингдек, 28 таси «MAN» русумли универсал машинадир.

Эътиборлиси, айлани пайтда вилоятда ҳар бир туман ва шаҳарнинг йўл-пудрат ҳамда ободонлаштириш корхоналарини худди шундай қулай ва замонавий йўлсозлик техникалари билан таъминлаш дастури изчил амалга оширилмоқда.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сунъий майсазорлар

Сунъий қопламали майсазорларга талаб йил сайин ошиб бораёпти. Улар хариди учун эса жуда катта миқдорда маблағ сарфланаяпти. Негаки, бундай маҳсулотлар Ўзбекистонга, асосан, хориждан келтирилмоқда.

Шуни инобатга олган Бухоро шаҳридаги «Shahboz Shaxgom» хусусий фирмаси тадбиркорлари сунъий майсазор қопламалари ишлаб чиқариш лойиҳасини ҳаётга татбиқ

этилди. Натيجида бу ерда йилига 2 млн. 880 минг квадрат метр ҳажда янги маҳсулот тайёрлаш имконияти юзасига келди. Офислар, уйлар, савдо шохобчалари кўркига

кўрк қўшувчи сунъий майсазорлар, айниқса, спорт соҳаси мутасаддиларида катта қизиқиш уйғотапти. Чунки улар футбол, чим устида хоккей, теннис, гольф майдонларини жиҳозлашда кўл келади. Фирма раҳбарияти эса тайёр маҳсулотнинг 60 фоизга яқинини экспортга йўналтириш ниятида.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2014 йилнинг биринчи чоғида мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида

1353,6

минг квадрат метрлик уй-жой фойдаланишга топширилди.

Намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ҳамда янги массивларни замонавий ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектилари билан таъминлаш дастурини амалга ошириш доирасида бажарилган бундай кенг қўламли бунёдкорлик ишлари қишлоқ қиёфасини ўзгартириш, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш ва ҳаёт даражасини оширишга хизмат қилапти.

(Давоми 2-бетда).

Тест синовлари: Янгиликлар, ўзгаришлар, қўшимчалар

Бу йил мамлакатимиз олий таълим муассасаларида таълим ва касб йўналишларига кўплаб янгиликлар киритилди, кириш имтиҳонлари тизимида айрим ўзгаришлар жорий этилди. Президентимизнинг 2014 йил 30 апрелда қабул қилинган республика олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибининг янада такомиллаштиришга оид қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕАЛАР, ХАБАРЛАР



Ердан оғир сайёра

Буюк Британия, АҚШ, Италия ва швейцариялик тадқиқотчилардан иборат халқаро гуруҳ коинотда Ердан 17 баравар оғир сайёра мавжудлигини аниқлашди.

Бу ҳақдаги маълумот АҚШдаги Гарвард-Смитсон астро-физика марказининг расмий сайтида эълон қилинган. Мазкур сайёра Ердан 560 ёруғлик йили узокликда жойлашган бўлиб, унда кремний, темир каби қаттиқ моддалар борлиги айтилмоқда.

Кашфиётга дунё бўйича қизиқиш ошганлиги боис халқаро тадқиқот гуруҳи янги сайёра ҳақида янада кўпроқ ахборот тўплаш устида иш олиб борапти.



ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Ўзига хос смартфонлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳон бозорига муносиб ўрин эгаллаган "HTC" компанияси даромади май ойида 703 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Янги смартфон даромад келтирадими?

Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 27 фоиз кам. Тахлилчилар ушбу ҳолат ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат кескин ортигани таъсиридан, дея таъкидлашмоқда.

У иккита камерага эга бўлиб, бири 5, иккинчиси 13 мегапикселли. Экрани 5 дюмга тенг. Бундан ташқари, кўшимча функциялар билан бойитилган.

"Янги маҳсулот компания даромадлари ошишига хизмат қиладими ёки йўқ? Буни июнь ойи якунларидан билиб оламиз", дейишмоқда экспертлар.

Советадиган спорт кийими

Дунёга машҳур "Adidas" компанияси ноодатий спорт кийимини ишлаб чиқарди.

"Франс пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, "Climachill" деб номланган янги либоснинг ўзига хос жиҳати шундаки, у одамни бир зумда совишти хусусиятига эга. Кийимни яратиш учун матосига титан толалари ва алюминий микросфераси қўшилган.

Тез орада советадиган либоснинг нархи эълон қилинади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Куёшдан қувват олиб учади

Швейцариянинг куёш батареялари ёрдамида учадиган "Solar Impulse 2" самолёти ўзининг илк парвозини амалга оширди.

Ҳаво лайнери 72 метр узунликдаги қанотларга эга бўлиб, унинг умумий оғирлиги 2,3 тоннани ташкил этади. Самолёт соатига 140 километр тезликда ҳаракатланиши мумкин. Шунингдек, 12 минг метр баландликкача кўтарилиш имкониятига эга.

Бундан аввалги "Solar Impulse" 2009 йил июнь ойида оммага намойиш этилган. Унинг қанотлари 63 метр бўлиб, соатига 70 километр тезликда парвоз қила олади.



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер таклифларини қабул қилиш муддати узайтирилганини эълон қилади:

ДЕНИЭ ТўЛҚИНИ Ранги ип арашашган жулли мато, астарбоб мато.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Талабгорлардан тендерда қатнашиш таклифларини қабул қилишнинг муддати — эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун.

Маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

ЎХРАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2014 йил 8, 10, 15 ва 17 июль кунлари бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукционга таклиф этади.

Очик аукционга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100% банк улушлари қўйилмоқда:

Table with 6 columns: T/p, Object name, Location, Bidder name, Auction start price, Auction end price. Lists various textile and fabric items for auction.

Очик аукцион шартлари:

Очик аукцион қолиби уллуш сотилиш баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бундан пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаш шарт.

Очик аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунгача объектни ўзига бериш ва учинчи шахсга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмилилийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати «Kinder fruits» МЧЖ, «Farg'ona kimyo zavodi» МЧЖ, «Namangan qog'oz» МЧЖ, «Asia sokato» МЧЖ, «Nukus agro» МЧЖ, «Asaka mak» МЧЖ, «Vodiy muzqaymog'i» МЧЖ, «Oq saroy textile» МЧЖ, «Kosonsoy to'qimachi» МЧЖ, «Royal silk» МЧЖ, «Chinoz textile» МЧЖ, «Nam tex» МЧЖ, «Namangan to'qimachi» МЧЖ бўйича 7 йилдан, «Andijon charm» МЧЖ, «Sogdiana pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent stone» МЧЖ, «Xumoto'qimachi» МЧЖ бўйича 1 йилдан ошмаслиги лозим.

Хўжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва сўғурталаш билан боғлиқ харажатлар), очик аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа барча

харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Очик аукционда қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги хўжатларни тақдим этиши лозим:

- * юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи хўжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; * жисмоний шахслар учун — паспорт (истикомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи хўжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; * аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига зақалат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов хўжжати нусхаси.

Очик аукционда иштирок этиш истагидаги талабгорлар аукционга қўйилаётган «Kinder fruits» МЧЖ, «Farg'ona kimyo zavodi» МЧЖ, «Namangan qog'oz» МЧЖ, «Asia sokato» МЧЖ, «Nukus agro» МЧЖ, «Asaka mak» МЧЖ, «Vodiy muzqaymog'i» МЧЖ, «Oq saroy textile» МЧЖ, «Kosonsoy to'qimachi» МЧЖ, «Royal silk» МЧЖ, «Chinoz textile» МЧЖ, «Nam tex» МЧЖ, «Namangan to'qimachi» МЧЖдаги улушлар бошлангич баҳосининг 5 фоизи миқдориди, «Andijon charm» МЧЖ, «Sogdiana pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent stone» МЧЖдаги улушлар бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдориди ҳамда «Xumoto'qimachi» МЧЖдаги улуш бошлангич баҳосининг 3 фоизи миқдориди зақалат

пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашнинг лозими: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Очик аукционда иштирок этиш учун бюртномаларни қабул қилиш аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган санадан бошланади ва аукцион бошлангичдан уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган қорхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқориди кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Очик аукцион белгиланган кунлари соат 15.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар залида) бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил ва алоқа воситалари: Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй. Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60. Тел./факс: (8-371) 234-43-31.

Аукцион ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (8-371) 233-02-49. Тел./факс: (8-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357.

STANDARD & POOR'S RATINGS SERVICES

2014 йил 26 майда

«Standard & Poor's» халқаро рейтинг агентлиги

«ИПОТЕКА-БАНК»

акциядорлик тижорат ипотека банкининг

“B+/B”

рейтингини тасдиқлади.

Рейтинг истиқболи

«БАРҚАРОР»



Хизматлар лицензияланган.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ

ТОМОНИДАН стратегик инвесторларга таклиф

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори қорхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор қорхоналарни тижорат банкиларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ балансидаги қуйидаги қорхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

«Samarqand Pure Aqua» МЧЖ — табиий тоза газланган ва газланмаган сув ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Қорхона манзили: Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А» уй.

«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Қорхона манзили: Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.

«Xorazm shisha idishlari» МЧЖ — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Қорхона манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоийат қишлоғи.

«Elite Stars Textile» МЧЖ — пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Қорхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.

Маълумот олиш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ночор қорхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (8-371) 120-36-04, (+99890) 969-90-98. Факс: (8-371) 120-45-64, 120-36-29. E-mail: info@uzpsb.uz Веб-сайт: www.uzpsb.uz

9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. Logo and contact information for Xalq So'zida.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси ижро этувчи аппаратнинг раҳбари Кабиржон ҒОФУРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларида чуқур таъзия изҳор этади.

ТАДБИР

Кеча республика кўғирчоқ театрида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан "Борлигимсан, болажон!" деб номланган маърифий тадбир ўтказилди.

Борлигимсан, болажон!

Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда болаликни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат ва унинг самараси хусусида сўз юритдилар. Шунингдек, тадбир доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Шарқ" нашриёти томонидан чоп этилган Г. Саидованинг "Кичкинтойлар учун физика" шеърини тўпламининг тақдими бўлиб ўтди.


Тадбир сўнггида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Мўътабар Рўзиметованинг "Ох, бу Хўжа Насриддин" номли спектакли намойиш этилди.

Маърифий кечада ўғил-қизларга ташкилотчилар томонидан совгалар улашилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситханова сўзга чиқди.

О. ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Буюк Ипак йўли бўйлаб экспедиция»



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, тадбир қатнашчилари 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва ахамияти" мавзuidaги халқаро конференция яқунлари билан ҳам танишдилар. Қайд этилганидек, мазкур халқаро конференция яқунлари билан ҳам танишдилар. Қайд этилганидек, мазкур халқаро конференция яқунлари билан ҳам танишдилар.

олий ўқув юрталарида фаолият кўрсатадиган таниқли олим ҳамда тадқиқотчиларнинг иштирокида ўтгани Ўзбекистоннинг маданий-тарихий меросини ўрганишга нисбатан мамлакат илмий-академик доираларида қизиқиш мавжудлигидан далолат беради. Конференцияда сўзга чиққан Лейден университети профессори Мари Фаверау ва Британия кутубонаси профессори Сюзан Вайтфилд Буюк Ипак йўлининг тарихига атрафлича тўхталишди. Улар бугунги Ўзбекистон ҳудудидаги халқлар миллатлараро алоқалар

ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотнинг ривожланишига катта ҳисса қўшишганини қайд этдилар. М. Фаверау IX-X асрларда Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари шаҳарлар шитоб билан ривож топиши натижасида улар ўша даврларнинг ўта муҳим маданий ва илмий марказларига айланганини айтди. "Бундай ривожланиш мазкур шаҳарларда йирик кутубоналарнинг яратилишига кўмаклашди ва улар бутун дунёдан кўплаб илм-фан арбоблари, шоирлар ва файласуфларнинг эътиборини ўзига жалб қилди", деди у.

рўй берганки, ана шундай очиклик, баргиреклик фуқаролар ўртасидаги ва маданий дипломатиянинг ҳақиқий намунаси ҳисобланади. Бугунги кунда бой тарихий меросни авайлаб-асраш ва қайта тиклаш юзасидан Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган сиёсат юксак баҳога лойиқдир.

Габриела ван ден БЕРГ, Лейден университети профессори:

— Ўзбекистон замини асрлар давомида маданиятлар шаклланишининг ўчоғи бўлиб келган ҳамда Шарқнинг жаҳон илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган кўпгина машҳур олим ва мутафаккирларини бутун инсониятга ҳадиётган. Буюк Ипак йўлининг марказий боғловчи бугунги синофатда Ўзбекистон Шарқ ва Фарб ўртасидаги фаол савдо-иқтисодий, маънавий алоқалар туташувининг маркази бўлгани Фарбдаги Уйғониб олдин юзага келишидан анча олдин илм-фаннинг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган.

Яқинда Самарқандда бўлиб ўтган халқаро конференцияда менинг ҳамкасбим ҳам қатнашди. Ушбу анжуман авлодларнинг бебаҳо илмий ва гуманитар меросини жаҳон ҳамжамиятига яна бир бор намойиш қилди.

«Жаҳон» АА. Амстердам

Маданият хабарлари



Мафтунокор ранглар жозибаси

Термиз археология музейида "Устоз — шогирд ижодида ранглар жиљоси" мавзуда кўргазма очилди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида уюштирилган кўргазмада Ўзбекистон бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Холбой Ҳасанов ва ёш расом Азиза Расулованин ижодий ишлари намойиш этилмоқда.



«Жаҳон» АА. Амстердам

Тасвирий санъат ихлосмандларига, айниқса, устоз мусаввирнинг "Тонг", "Ез таровати", "Баҳор", "Кўҳитанг", "Биринчи қор" каби асарлари, ёш ижодкорнинг "Шафқ", "Тоғда сайр", "Фарҳод ва Ширин", "Улугбек юлдузи" сингари ишлари манзур бўлаётди.

Моҳира АДИЗОВА.

Тинчлик ва дўстлик тараннуми

Тошкент Фотосуратлар уйида "Ҳар бир фарзандга — меҳр, эътибор!" ҳафталиги доирасида "Ер қурраида тинчлик!" республика болалар расмлари кўрик-танлови ниҳоясига етди.

"Соғлом авлод учун" халқоро хайрия фонди томонидан ўтказилган танловда 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар қатнашди. Кўрик-танлов доирасида болаларнинг тинчлик, дўстлик, она-Ватани тараннум этувчи расмлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида голиб чиққан иштирокчиларнинг ижодий ишлари томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Танлов голиблари ва совриндорларига диплом ҳамда совгалар топширилди.

Аббос ЭРГАШЕВ.

Ҳам ҳордиқ, ҳам таълим-тарбия

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида изчил амалга оширилаётган ислохотлар самараси бугун санъатда, спортда, илм-фанда иқтисоди, билими ва маҳорати билан дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатаётган ўғил-қизларимиз муваффақиятларида яққол акс этаётди.

ЎЗГИ ТАЪТИЛ — 2014

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янада кенг қамровда ва жадал суръатда давом эттиришда дастурий амал бўлмоқда. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноatchиликнинг олдини олиш, соғлом турмушни барқарорлаштириш, замонавий билим ва касб-хўнар сирларини пухта ўзлаштиришга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилапти. Ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар учун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда қатор идоралар ҳамкорлигида тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳларининг ташкил этилиши ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Жорий йил ёз мавсумида ҳам Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури асосида жойларда иш бошлайдиган тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари яна кўпайиб боради. Бу эса, албатта, ўз самараларини кўрсатади.

Фарида МАҲКАМОВА.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тақвим этади! Фестиваль йўналишлари: эстрада; анъанавий ижрочилик; академик вокал. «МАРДИ МАЙДОН» жонли ижродаги кўшиқлар фестивали. Қўшимча маълумотлари «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлиналарида, шунингдек, интернетдаги www.uzbeknavo.uz сайти орқали олиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-52-80.

«ФАРОВОНПИК» ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ. 2014 йил 20-21 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ Тошкент шаҳрида ўтказиладиган ютуқлар тиражида ўз омадингизни синаб кўринг. Халқ фаровонлиги — фаолиятимиз мезони! ПОТЕРЕЯ БИЛЕТНИНГ НАРХИ — 5 000 СЎМ. (+99871) 273-03-04 WWW.AGROBANK.UZ. Банкнинг вилоят бошқармалари телефон рақамлари: Қорақалпоғистон Республикаси (8-361) 222-16-77, Андижон вилояти (8-374) 228-46-20, Бухоро вилояти (8-365) 223-85-53, Жиззах вилояти (8-372) 226-25-33, Қашқадарё вилояти (8-375) 771-15-60, Наманган вилояти (8-369) 223-19-32, Навой вилояти (8-436) 770-35-49, Самарқанд вилояти (8-366) 229-34-73, Сурхондарё вилояти (8-376) 770-81-48, Сирдарё вилояти (8-367) 221-01-50, Фарғона вилояти (8-373) 244-08-41, Хоразм вилояти (8-362) 770-57-00.

www.xs.uz Сирдарё: Жорий йилда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан 8 та касб-хўнар коллежи "ISUZU" автобуси билан таъминланди. Натийжада 1,5 мингдан зиёд ўқувчининг дарсларга келиб-қетиши учун қулайлик яратилди.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 669. 118 356 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров. Навбатчи — Д. Солиқов. Мусахҳач — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5